



20 20 у « 15 » июнь

№ Қ-272

« ___ » _____ 20__ г

**Термиз тумани “Сурхон-Дўстлик-Сарҳади”
массиви худудидан “Термиз Сардор Транс”
МЧЖга “Чорвачилик фермаси” ташкил этиш
учун ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5,87-моддаларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармонига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 15 майдаги 03-02/267-сон йиғилиш баёни, Термиз тумани ҳокимининг 2020 йил 01 майдаги 184/01-42-сон хатини кўриб чиқиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 15 майдаги 03-02/267-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Термиз тумани “Сурхон-Дўстлик-Сарҳади” массиви худудидан “Термиз Сардор Транс” МЧЖга туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 19қ-дала контуридаги 15,0 гектар яйлов ер майдони “Чорвачилик фермаси” ташкил этиш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “Термиз Сардор Транс” МЧЖ томонидан “Чорвачилик фермаси” ташкил этиш учун ажратилаётган жами 15,0 гектар яйлов ер майдони учун қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш мақсадида 200 578 200 (икки юз миллион беш юз етмиш саккиз минг икки юз) сўм давлат тўлов қоплама қийматини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги фазначилиги Тошкент ХККМ Марказий банкининг ҳисоб рақам: 23402000300100001010 СТИР: 201122919 код: 00014 бюджет ҳисоб рақами (4014108609224013450717186)га беш кун муддатда тўлаб берилишини таъминлансин.

4. Вилоят Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Термиз туман ҳокимлиги (Ш.Уринов) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари Х.Саматов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов